

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Уруғни яхши етилган, сифатли ишланган ерларга қисқа муддатларда соз экиб олайлик



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 69 (4060).

Сешанба, 8 апрель 1969 йил.

Баҳоси 2 тийин.

БЕКБОД САНОАТЧИЛАРИ- НИНГ ЗАФАРИ

Дохиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қўлчи ёйдирайган Бекбод шаҳри саноатчилари ажойиб муваффақиятлар қўлга киритдилар. Улар об-ҳаво қийинчиликларининг енгилб 1969 йил биринчи квартал планини муддатидан олдин 105,6 процент адо этдилар. Планга қўшимча равишда 1 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шаҳар саноатчилари эришган ютуққа В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи коллективи айниқса катта ҳисса қўшди. Металлургия қўлат эритиш ва прокат тайёрлаш планларини шаҳарда биринчилар қатори адо этдилар. Биринчи квартал топиригига қўшимча равишда бир неча минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Цемент комбинати, «Бекбад-цемент» пахта тозалаш заводлари эришган муваффақиятлар ҳам қувончли бўлди. Пахта тозалаш заводи ишчилари квартал планини 112,4 процент адо этиб, қўшимча 531 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

Шаҳар бўйлаб дохий юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақа янада кенг қўлчи ёймоқда. Саноат корхоналари, курйилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари беш йилликнинг тўртинчи йили топиригини муддатидан олдин адо этиб, шонли юбилейни муносиб ҳуёналар билан кутиб олишга ҳаракат қилипти.

12 АПРЕЛЬ—

БИРИНЧИ КОММУНИСТИК
ШАНБАЛИКНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

КОММУНИЗМ КУРТАГИ

50 йил муқаддам Москва-Қозон темир йўлининг Москва-Сортировочная депоси ишчилари томонидан асос солинган коммунистик шанбалик яхши аъёлга айланиб қолди. Ҳар йили, дохиймиз В. И. Ленин ибораси билан айтганда коммунистик жамиятнинг илк куртаги бўлиш бу буюк юмрини кейинги вақтда ўз ифодасини оммавий социалистик мусобақадда, меҳнатга янгица муносабатда бўлишда топди.

Пойтахтимизнинг тўнғич корхонаси Октябрь революцияси номидаги завод коллективининг 12 апрелни коммунистик меҳнат кунига айлантириш ҳақидаги ташаббусига фирманиз тикувчилари биринчилар қатори қўшилдилар.

Яқинда корхонамизда кўп кишилик интинг бўлиб ўтди. Минингда сўзга чиққан тикувчи Н. Фурцева, цех бошлиқларидан З. Васильченко, Қ. Пулатов ва бошқалар коммунистик шанбаликка бир жон, бир тан бўлиб қўшилдиларини айтдилар.

12 апрель дам олиш кунини бўлишга қарамай, тикувчилар ишга чиқишга қарор қилишди. Улар шу кун 655 та катталар,

ЯНГИЙҮЛДАГИ «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари районда биринчилар қаторида чигит экишни бошлаб юбордилар. Улар бу долзарб мавсумга бутун қиш бўйи қизгин тараддул кўрган эдилар. Барча техника воситалари сифатли ремонтдан чиқарилди. Экин майдонларига етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди.

Мана, эндиликда ерга «оқ олтин»нинг барака уруғи қадалаяпти. Механизаторларнинг ҳам, севдкчиларнинг ҳам, оддий колхозчиларнинг ҳам ғайрат-шижоати зўр. 17 та экин агрегати икки сменада бетиним ишлаб турибди. Деҳқонлар бу йилги широнини ҳисобга олиб, чигитни барча майдонларга жуда қисқа муддат ичида экиб олишга қатъий аҳд қилинган.

Бу колхознинг азамат деҳқонлари беш йилликнинг тўртинчи йилида тектар бошига қамиди 30 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватанга 2330 тонна «оқ олтин» армуғон этиш мақсадини дилларига жо қилишган.

Суратларда (пастда) колхознинг илғор меҳнаткор — зверо бошлиғи М. Марамов, (тепада) чигит экиш пайти. Севдкчилардан Х. Сандҳжаев ва Н. Улҳжаев ўроқлар экилаётган чигитнинг сифатини текширишмоқда.

Н. Тўраев фотолари.



Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲАСАН II БИЛАН УЧРАШДИ

ИФРОН, 6 апрель. (ТАСС, махсус мухбирлари). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун эрталаб Мароккаш қироли Ҳасан II билан учрашди. Шу уч-

рашув вақтида ҳар икки томонли кўнжирган масалалар тўғрисида фикрлашиб олинди.

Бугун, Король Ҳасан II Н. В. Подгорний шарафига эътифат берди.

СОВЕТ-МАРОКАШ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ

ИФРОН, 7 апрель. (ТАСС, махсус мухбирлари). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Мароккаш қироли Ҳасан II ўртасидаги музокара 6 апрель тўшдан кейин давом этди. Совет-Мароккаш муносабатларини

янада ривожлантириш масалалари юзасидан маслаҳат тамом бўлди, шунингдек халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Совет-Мароккаш қўшма ахбороти келишиб олинди.

Музокара дўстона вазиёлда ўтди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
СУҒОРИШ ВА КОЛЛЕКТОР-
ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРИНИ
ТОЗАЛАШНИНГ БОРИШИ
ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 5
АПРЕЛГАЧА БУЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Бекбод — 70,7; Калинин — 63,0; Ўрта Чирчиқ — 53,0; Оржоникидзе — 47,2; Янгийўл — 46,0; Бўка — 37,9; Оққўрғон — 32,8; Юқори Чирчиқ — 28,7; Бўстонлик — 17,5.



Беш йилликнинг тўртинчи йилида областининг чорводорлари эл дастурхонига мўл-кўл сўт етказиб бериш юзасидан катта мажбуриятлар олмишган. Улар молхў-совхозлардаги ҳар бир беш сигирдан ўрта ҳисобда 1845 килограммдан сўт солиб олиб, жами 72 минг тонна сўт етиштиришга аҳд қилишган. Мажбуриятни бажариш шарафни иш эналлигини чуқур қис этган илғор чорводорлар шу йилнинг дастлабни ниварталидаёи сўт етиштиришга анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Улар квартал планини муддатидан анча илгари бажариб, эндиликда иккинчи квартал ҳисобига мўл-кўл сўт жўнатмоқдалар. Ленин, областининг кўпчилиги районлари ва

СУТ МҮЛ БҮЛСИН

хўжаликлариде сўт етиштиришни кўпайтиришга илдий аҳамият берилмапти. Бунинг оқибатида давлатга сўт сотиш биринчи квартал планини областинида бажарилмай қолди. Планадагидан 1200 тонна кам сўт етказиб берилди. Ватанамиз, ўтган йилнинг шу муддатига надар пландагидан 527 тонна кўп сўт сотилиб, квартал топириги 104 процент адо этилган эди.

Бўка ва Юқори Чирчиқ район-

ларининг чорводорлари давлатга сўт сотиш квартал планини бажаришга муваффақ бўлдилар. Алмо қолган бошқа районларнинг бирортасида ҳам план бажарилмади. Янгийўл райониде ўтган йилнинг биринчи кварталдагига нисбатан 295 тонна, Оржоникидзе райониде 248 тонна, Оққўрғон райониде 163 тонна, Бекбод райониде 107 тонна, Калинин райониде 121 тонна,

Бўстонлик райониде 36 тонна кам сўт сотилди.

Областинининг совхозларида ҳам сўт етиштиришга етарли эътибор берилмапти. Бунинг натижасида биринчи кварталда Оржоникидзе районидеги совхозлар, дан бошқа бирорта районининг совхозлари давлатга сўт топириш планини бажара олмади.

Айниқса, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Оржоникидзе районларининг чорводорлари сўт етиштиришни кўпайтиришга ҳаммадан кам кўп, роқ эътибор беришлари зарур. Чунки улар бу соҳада ўтган йилги дарамадан анча орқиде қолмоқдалар. Агар иш шу зайлда натади, ган бўлса, уртакчиликлар йил охирига надар қандай қилиб ҳар

БАШОРАТ опа йигирма йилдан бери пойтахтимиздаги бадий каштачилик фабрикасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Бу давр мобайнида унинг қўлидан қанча-қанча бежирим дўппилар чиқмади, дейсиз! Опа тайёрлаган дўппилар харидорлар дидига жуда манзур тушган. Ҳозир Башорат опа Тошқориева дўппи тайёрлаш цехи бошлигининг ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. Эндиликда у ёш чеварларга бош-қош, уларга чиройли дўппилар тайёрлаш сирларини бажонидил ўргатапти. Цех коллективи ўзaro мусобақа асосида ишлаб, ой сайин яхши натижаларни қўлга киришмоқда. Суратда: Башорат опа Тошқориева.

А. Тўраев фотоси



бир беш сигирдан мажбуриятдаги 1700 килограмми сўтнинг солиб олинди, жами 10 минг 800 тонна сўт етиштирилди! Янгийўлликларнинг мажбурияти тагин ҳам юксак: ҳар бир беш сигирдан 2285 килограммдан сўт солиб олиб, 12 минг 700 тонна сўт етиштиришмоқчи. Лекин, ҳозирги сўт сўраш бу юксак мажбуриятга мўлжал қос нелаяпти. Улар ана шунини ҳисобга олиб, ишда бурлиш ласлашлари неран. Чорводорларимиз шу кунларда сигирларни очини қаеода ёратиб боиш, тўйимли концентрат озуқаларни кўпроқ бериш каби ишларга илдий аҳамият беришлари зарур.

